2010-yil 6-iyul № 80 (2805) seshanba

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Моҳият

Виждонан бажарилган ҳар қандай меҳнат фойдалидир, бинобарин, у ҳурматга лойиқ.

СТЕНДАЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Халқимизга хос юксак гуманизм, бағрикенглик ва меҳр-мурувват фазилатларини амалда яна бир бор намоён этиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга ҳар томонлама беғараз ёрдам кўрсатишда ўзини аямасдан хизмат қилган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Зайдинова Гулсорахон Шералиевна — Андижон шаҳридаги 4-сон маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Тожиматова Ходяхон Турсиновна — Жалолқудуқ туманидаги «Бештол» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Абдуллаева Феруза Ғанижановна — Қўрғонтепа тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси

Абдураҳмонова Роила — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Андижон вилояти, Пахтаобод тумани бўлинмаси раиси

Нуралиев Баҳромжон Ғуломжонович — Жалолқудуқ тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси

Тўйчиева Матлубахон Камолдиновна — Бўз тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси

Эргашев Авазхон Якубжонович — Қўрғонтепа тумани ҳокими

Юсупов Машариф — Андижон вилоят ҳокимлигининг ахборот-таҳлил гуруҳи бош мутахассиси

«Дўстлик» ордени билан

Вахобжонова Ойдин Вахобовна — Республика Маънавият тарғибот марказининг Андижон вилояти бўлими масъул котиби

Кимсанова Замирахон — Пахтаобод тумани «Давр садоси» газетаси бош муҳаррири

Қурбонова Аропатхон Тошпўлатовна — Марҳамат туманидаги Т.Мирзаев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Раҳматова Фируза Ҳасанбоевна — Асака шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Сиддиқова Фотима Абдумуталибовна — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қўрғонтепа тумани кенгаши раиси

Ҳусанова Мунисхон Акбаралиевна — Жалолқудуқ тумани ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

(Давоми 2-бетда)

Янги кун янгиликлари

Жиззах вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 325 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Қишлоқлардаги 12 та массивда бунёд этиладиган бундай уйлар учун 22 млрд. сўм маблағ сарфланади.

Ҳовли тўйлари

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг Бахмал, Ғаллаорол туманларида қуриб битказилган 60 та уйда ҳовли тўйлари бўлиб ўтди.

— Замонавий ва шинам, шаҳарлардагидан қолишмайдиган уйга кўчиб ўтдик, — дейди янги хонадон соҳибларидан бири Дилбар Сарибоева. — Барча қулайликларга эга ҳовлида яшашнинг завқи бошқача.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида вилоятда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия раисининг муовини, бирлашма кенгаши раиси Эсонбой Ражабов олиб борди.

Мавсум қизғин

Йиғилишда вилоят оромгоҳларида биринчи ва иккинчи навбатда дам олдириш жараёни таҳлили ҳамда учинчи навбатга тайёргарлик ишлари ҳақида сўз борди. «Автомобилчи», «Ёшлик», «Бинокор», «Нурафшон», Ваҳоб Бердиев каби оромгоҳларда йўл қўйилган камчиликлар санаб ўтилди ва тегишли кўрсатмалар берилди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Жорий йилда сирдарёлик пиллачилар 585 тонна қимматли саноат хомашёси тайёрлади. Энг қувонарлиси, тайёрланган маҳсулотни вилоятнинг ўзида қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда.

Ховос ипаги

«Ховоспилла» МЧЖ раиси Муҳаббат Шодиева ташкилотчи изланувчи, ташаббускор аёллардан. У корхона қошида пиллани қайта ишлашни йўлга қўйиш ниятида елиб-югурди. «Агробанк»нинг туман бўлимидан 40 миллион сўм кредит олди. Марғилондан пиллани қайта ишлаб, ипак тола йигирувчи КМС-10 агрегатини келтириб ўрнатди ва қайта ишлаш цехини ташкил этди. Туманда 43 тонналик «кумуш тола» хирмони бунёд этилгач, агрегат тўла қувват билан ишга тушди. Натижада, 25 нафар маҳаллий қиз-жувонлар иш билан таъминланди.

Уларга маҳсулотни қайта ишлаш сирларидан тажрибали мутахассис Машраб Назарова сабоқ бермоқда. Машраб опанинг соҳадаги тажрибаси етарли. У роппа-роса 13 йил Наманган шойи тўқиш фабрикасида ишлаган. Айни пайтда корхонада кунига 3 тоннадан зиёд пилла қайта ишланиб, сифатли ипак толаси тайёрланмоқда.

— Истиқболдаги режаларимиз янада салмоқли, — дейди Муҳаббат Шодиева. — Тайёрланган ипак толаларидан атлас, адрас ва шойи тўқишни йўлга қўймоқчимиз.

Агар бу хайрли иш амалга оширилса, яна 25 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланади.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг
жамоатчи мухбири

Ўзбекистон темир йўллари мустақиллик йилларида

Мамлакатимизда юз берган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар — жамиятимизга янгича қиёфа бахш этган демократик янгиланишлар, техник ва технологик жиҳатдан илгари ҳеч кузатилмаган ўсишга эришилганлиги, буларнинг барчаси бугун иқтисодиётимиз учун ғоят муҳим соҳа — темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси фаолиятида ҳам ўз аксини топган бўлиб, бу ҳақда кўп ва хўп гапириш мумкин.

Ифтихор туйғулари

муваффақият бўлган жойда туғилади

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, — деди Марказий кенгаш раиси Қутлимурот Собиров ўз маърузасида. — Жамоат ташкилотлари орасида касаба уюшмалари алоҳида ўрин тутади. Чунки фақат уларгина меҳнат муносабатлари тизимида ҳаракат қилади. Эътиборлиси, фаолият доирасига кирувчи муаммолар кўп қиррали бўлиб, ишчи-хизматчилар тез-тез дуч келадиган кўплаб масалалар бир йўла ҳал этилмайди, улар билан мунтазам равишда шуғулланишга тўғри келади.

Айни пайтда ижтимоий шерикчилик тамойилини қарор топтириш, ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашда касаба уюшмалари ролини ошириш, жамиятда барқарорликни қарор топтиришга хизмат қилиш, иш берувчига қарама-қарши туриб эмас, балки у билан ҳамкорликда ўзаро алоқаларнинг энг мақбул усуллари ва йўлларини топиш устувор йўналиш бўлиши лозим.

(Давоми 3-бетда)

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

Диққат, танлов!

«Энг улуғ, энг азиз»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда биз учун энг буюк, энг азиз қадрият, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда Ватанимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этишининг, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётгани чуқур очиб берилган бўлиши керак.

(Давоми 4-бетда)

Анжуман

Ўзбек фотографиясида миллий руҳ

Одатда фотосанъат деганда фоторассомнинг энг аъло ва сақлашга арзирли, намойишбоп асари назарда тутилади. Бугун юртимиз фотоижодкорларининг ана шундай асарлари турли кўргазмалар орқали санъат шинавандалари эътиборига ҳавола этилмоқда. Тошкент фотосуратлар уйида мамлакатимизда фотография санъатининг ривожланиш йўллари ва истиқболини, бу санъатнинг маданий-маърифий ҳаётимиздаги ўрнини белгилаб олиш масалаларига бағишланган «Ўзбекистон фотографияси тараққиёти ва истиқболи» мавзусида ижодий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни Ўзбекистон бадиий академияси раиси Т.Қўзиев ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазири А.Жабборов очиб беришди.

Конференцияда юзга яқин ижодкор, манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Ўзаро фикр алмашув жараёнида фотоижодкорларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ўрни, уларнинг халқ ва ватан олдидаги масъулияти, ўз асарларида воқеликни холисона ва беғараз акс эттириши бугунги кунда муҳим ва долзарб эканлиги, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларини мустаҳкамлаб, фототанқидчиликни ривожлантириш зарурлиги, бу соҳага бағишланган махсус нашрларга эҳтиёж мавжудлиги таъкидланди. Шунингдек, фотоижодкорлар ўртасида халқаро алоқаларни ривожлантириш лозимлигига иштирокчилар алоҳида эътибор қаратишди.

(Давоми 4-бетда)

Косиб — ўз ишига муносиб

Яхши ният билан сотиб олган пойабзалингиз бир ойга ҳам етмай таъмирталаб бўлиб қолса, қандай аҳволга тушишингиз мумкинлигини тасаввур қилиб турибман. Чунки бундай нохуш ҳолатлар каминага ҳам бегона эмас. Хўрозқандни хорижники деса, ётиб ялайдиган дамларимиз ўтиб кетди деб ўйлайман. Боиси, ўзимизники қолиб, хорижники дея кўзимизга суртиб олаётган буюмларимиз узоққа бормаяпти. Ташлаб юборай десанг, кўзинг қиймайди. Пули куйган қалампир чайнайди қабилида иш тутишга тўғри келади. Бундай пайтда ҳеч қаёққа бурилмай, тўғри оёқ кийимларини таъмирлайдиган устанинг ёнига борамиз. Унинг меҳнати орқали анча-мунча эпақага келиб, яна бир қанча вақт кийса бўладиган кийимларимизни оларканмиз, қўли гул устани чин дилдан дуо қиламиз: «Қўлингиз дард кўрмасин!». Бундай лаҳзаларда баъзида унча ҳам назарга илмайдиган бу касб эгалари нажоткор фаришта бўлиб кўринади кўзимизга. «Гапдан кўра иш яхши, ҳар ишни билиш яхши», «Яхши билсанг ишингни, яхшилар силар бошингни» каби пурмаъно мақолларнинг мағзини чаққандай бўламиз.

Ҳар касбнинг ўз гашти бор

Бир донишманд фарзандларига шундай насиҳат қиларди: «Азиз ўғлонларим, ҳунар ўрганинглар, зеро, мол-дунёга ишонч йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлидир. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлайди. Аммо ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир. Агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам эса ҳамиша машаққат чекади». Саъдийнинг «Гулистон» асаридан олинган ушбу парчани Неъмат ака Худойбердиев ўқиганми-йўқми, билмадиг-у, лекин «Қунт билан ўрган ҳунар, ҳунардан ризқинг унар» мақолининг моҳиятини англаб, бугун косибчиликнинг сирларини мукаммал эгаллаганига аминмиз.

— Ҳарбий хизматдан келганимда тоғни урса талқон қиладиган йигирма ёшлардаги дуркун бир йигит эдим, — дея ёшлик чоғларини эслаб кетди суҳбатдошим. — Айнан бу касбни танлашимга холам сабабчи бўлган. Болалигимдан унга меҳрим баланд эди. Шу сабаб ҳарбий хизматдан қайтгач, энг аввало, уларникига келганман. Бу пайтда холамнинг эри косибчилик қиларди. Унинг пойабзалларни моҳирлик билан тикишини кўриб қизиқиб қолганман. Шогирд тушиб ундан касб сирларини ўргана бошладим. Қарабсизки, устозим Абубакр Алиматов уч йил деганда «Қўлингиздан иш келиб қолди» деб дуо берди. Ундан бир умр миннатдорман.

(Давоми 4-бетда)

Ishonch
2010-yil 6-iyul № 80 (2805)

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Бош омил — ходимлар манфаати

Тошкент шаҳар давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг VI хисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Йиғилишда кенгаш раиси Омонулла Иноғомов тармоқ ишчи-хизматчиларини ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, маънавий-маърифий ҳамда спортни кенг меҳнаткашлар қатлами ўртасида оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

— Биз аввалги конференцияда келгусидаги муҳим йўналиш ҳамда вазифаларни муҳокама этиб, ташкилий ишларни такомиллаштириш, бунда асосан бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришни белгилаб олган эдик, — деди маърузачи. — Шундан келиб чиққан ҳолда шаҳар кенгаши фаолларни ўқитиш масаласига жиддий ёндашиб, бошланғич ташкилотларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келди.

Омонулла Иноғомов яна кенгаш раиси этиб сайланди.

(Ўз мухбиримиз)

* * *

Ўз сафига 103 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят кенгашининг V конференцияси бўлиб ўтди.

Кенгаш раиси Яқуб Рустамовнинг ҳисобот маърузасида таъкидланганидек, ўтган даврда аъзолар сони икки баробарга ортиб, сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. Аъзоларнинг 52964 нафарини ўқувчи-ёшлар, 58306 нафарини аёллар ташкил этиши тармоқда муҳим ва долзарб ишлар олдинда турганини кўрсатади.

Таъкидланганидек, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Меҳнат муҳофазаси, ходимга зарур иш шароити яратиш, халқ таълими бошқарув тизимида ҳуқуқшунос штат бирлиги бўлишига эришиш зарур.

Ҳисобот даври фаолияти қониқарли деб топилиб, Я.Рустамов таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгашининг IV хисобот-сайлов конференциясида амалга оширилган ишларга ниҳоятда ошкоралик, холислик руҳида баҳо берилди. Гарчанд, маъруза юзасидан сўз олганлар фаолиятни қониқарли баҳолаган бўлса-да, эътибордан четда колган айрим муаммолар дўстона ўртага ташланди.

Янги кенгаш аъзолари таркиби доирасида бўлиб ўтган очиқ биринчи йиғилиш ниҳоятда ишчанлик руҳида кечди. Фаоллар номзодлар орасидан жой олган делегат, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ўқитувчиси Анора Бобомуродовани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раиси лавозимига бир овоздан лойиқ деб топишди.

Конференция ишида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаров, Олий Мажлис сенати аъзоси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Назира Тоғаевалар иштирок этиб, соҳа ходимлари олдида турган муҳим, устувор вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Фидойи инсонлар хамиша эъзозда. Уларнинг шарафли мехнати нафакат ўзи учун, балки жамоаси ва юрти учун хам ғоят қадрлидир. Шу мазмундаги фикрлар Ўзбекистон ёкилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти вакиллигининг конференциясида кўп марта тилга олинди.

— Вилоят бўйича 110 та цех, 26 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, уларга 21319 нафар аъзо бирлашган, — деди вилоят вакили Самих Муҳитдинов. — Муҳими, жойларда касаба уюшма аъзолигининг афзалликларини кенг тарғиб қилиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бунинг исботини конференциядан-конференциягача ўтган давр мобайнида аъзолар сонининг ошганлигида ҳам кўриш мумкин. Яъни 2005-2010 йиллар мобайнида аъзолар сафи 13437 нафардан 21319 нафарга етган.

Тармоқ корхона ва ташкилотларида жамоа шартномалари тадбирларини бажариш изчил давом этмоқда. 2005 йилда ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда 511633 сўм сарфланган бўлса, 2009 йилнинг якуни билан ушбу кўрсаткич 1 млн. 842 минг сўмни ташкил этди.

Маъруза муҳокамаси юзасидан сўзга чиққанлар вакиллик фаолиятини қониқарли деб топдилар. Анжуманда Марказий кенгаш қурултойи ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси конференциясига делегатлар сайланди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти ташкилотининг V-хисобот конференцияси бўлиб ўтди.

— Ўтган беш йил вакиллик фаолияти учун қизғин иш, катта ташкилотчилик даври бўлди, — деди тармоқ вакили Авазхон Маматхонов ҳисобот маърузасида. — Меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси ва моддий манфаати учун кураш сафларимизнинг ўсишига олиб келди.

Ҳисобот даврида касаба уюшма аъзолари сафи 6 минг 763 нафарга кўпайиб, 27 минг 645 кишига етди. Юридик мақомга эга бўлган барча корхоналарда жамоа шартномалари тузилди ва уларнинг сони қарийб 186 тага етди.

Тармоқ касаба уюшма аъзоларига уй-жой қуриш, имтиёзли кредитлар ажратиш ҳам анчагина салмоқли бўлди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари учун жамоа шартномалари орқали 13 миллион 800 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди.

Ҳисобот юзасидан сўзга чиққанлар вакиллик фаолиятини янада яхшилаш йўллари ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Н.МИРСАЛИМОВА,
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Фарғона вилояти вакиллиги ташкилий бўлим мудири

* * *

Навоий вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма фаолларининг навбатдаги V-конференцияси бўлиб ўтди.

Дастлаб вилоят АСМ ходимлари касаба уюшмаси ташкилотининг 2005 йил январдан 2010 йил июнгача бўлган даврида олиб борилган ишлари юзасидан ташкилот раиси Шариф Худойқуловнинг ҳисоботи тингланди. Маъруза бўйича сўзга чиққанлар ўтган давр мобайнида эришилган ютуқлар билан бир қаторда бой берилган айрим имкониятлар, ҳамон ечимини кутаётган айрим нуқсон ва камчиликлар ва уларни бартараф этиш чоралари хусусида тўхталиб ўтдилар.

Шундан кейин делегатлар очиқ овоз бериш йўли билан галдаги муддат давомида иш юритиш учун янги таркиб аъзоларини ҳам сайлаб олишди. Шу кунгача мазкур лавозимда ишлаб келган Шариф Худойқулов вилоят АСМ ходимлари касаба уюшма ташкилотига қайта раис этиб сайланди.

Мансур ЗОИРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шаропов Анвар Қурбонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эргашева Муяссар Тиллаковна — Кўрғонтепа туманидаги «Кўштепа» қишлоқ врачлик пункти мудири

Якубова Нигора Камалдиновна — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси

«Жасорат» медали билан

Ботиров Иқболжон Қобилжонович —Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жалилова Маъмура Абдурасуловна — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

Насирдинов Талят Пўлатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Пирмуҳамедов Жаҳонгир Рихсибоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Расулов Қобулжон Толибович — Пахтаобод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Талипов Баҳодир Абдурасулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Умирзақов Хуршидбек Ҳамидович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эралиев Бобиржон Толибжонович — Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг авария-қутқарув отряди ҳайдовчи-қутқарувчиси

Йўлдошев Хусанбой Қосимович — Жалолқудуқ туманидаги «Қашқар» маҳалла фуқаролар йиғини посбонлари сардори

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Кетмонов Иқболиддин Ҳомиджонович — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот-таҳлил гуруҳи катта терговчиси

Мамадалиева Муқаддасхон Тожидиновна — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси катта инспектори

Маткаримова Гулбаҳор Собиржоновна — Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими 4-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми кичик инспектори

Назаров Аҳмаджон Насирдинович — Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув отряди қутқарувчиси

Ташматов Баҳодир Абдурашитович — Жалолқудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини чегара посбонлари сардори

Тошматова Иқболхон Абдуллаевна — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси тезкор вакили

Фаттаев Жаъфар Раҳманович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳаитмуратов Олимбек Тошпўлатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳайдаров Акмалжон Одилович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳайдаров Хусан Нишонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шоодилов Фарҳод Шорустамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«Шуҳрат» медали билан

Абдуллаев Фароҳиддин Абдуваҳобович — Қорасув шаҳар марказий поликлиникасининг умумий амалиёт шифокори

Абдураҳмонов Шуҳратбек Кўшоқбоевич — Пахтаобод тумани ҳокими

Аманова Зулхумор Алижоновна — Қорасув шаҳридаги «Пахтачи» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Бегимқулова Маҳабатхон — Асака туманидаги «Маркаюз» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Болтабоева Илтифотхон Ибрагимовна — Андижон шаҳридаги «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли

Гафарова Қундузхон Гафаровна— Хўжаобод туманидаги «Олтин водий» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

Жумабаев Акмалжон Адилович — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон вилоят бўлими кенгаши «Камалак» болалар ташкилоти раиси

Ибрагимова Одина Йўлдошбаевна — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Андижон вилояти бўлими бош мутахассиси

Мадраҳимова Ёқут Холмирзаевна — Асака шаҳридаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Мамажонов Мансурбек Аҳмедович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси

Нуритдинова Гулнора Насретдиновна — «Андижонтелеком» акциядорлик жамиятининг Куйганёр филиали директори

Усмонохунова Розихон Юсуповна — Кўрғонтепа тумани халқ таълими бўлими мудири

Ҳайдарова Шоҳидахон Ибрагимовна — Шаҳрихон туманидаги «Қушқўноқ» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Холбоева Ҳафизахон Маҳамаджоновна — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Пахтаобод тумани кенгаши раиси

Йўлдошева Замира Арабовна — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Олтинкўл тумани бўлими раиси

Юсупов Нодирбек Комилович — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон шаҳар кенгаши раиси

Қодирова Нурхон Мамарайимовна — Марҳамат туманидаги «Бўрибоши» қишлоқ врачлик пунктининг катта ҳамшираси

Қурбонов Элмурод Рустамович — Андижон шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 5 июл

Жараён

Хавфсизлик мезонлари

Жамоамизда ўз касбининг устаси бўлган муҳандис-техниклар жамланган. Жумладан, газни назорат қилиш тармоқ давлат инспектори Бозорбой Бердиев, буғ қозонлари ва кўтариш иншоотлари бўйича Толиб Шарипов, донни сақлаш ва қайта ишлаш тармоқ инспекцияси давлат инспектори Собир Тўраев тажрибаси ва фидойилиги билан ёшларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Инспекторларимиз томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун ва қарорлари ижросини таъминлаш, уларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан корхона ва ташкилотларда қатор семинар ҳамда йиғилишлар ўтказилди. Барча ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, кўп қаватли уйлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари ва бошқа объектлардаги қозонхона ускуналарини текшириш, амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиганларини ишлатишга йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда. Коммунал-маиший сектордаги газ хўжалигининг хавфсизлик талабларига жавоб бериш ҳолатлари ўрганиб чиқиляпти. Авария ва бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам ўз самарасини бераётир.

Биласиз, ҳозир болажонлар учун ёзги таътил мавсуми. Ота-оналар ўз фарзандларини турли дам олиш ва истироҳат боғларига олиб боришади. Табиийки, дам олиш турли атракционларсиз ўтмайди. Инспекторларимиз боғлардаги атракционларнинг техник ҳолатини ўрганиб чиқиб, болаларнинг бехатар ҳордиқ чиқаришига жиддий эътибор қаратишаяпти.

О.БОЗОРОВ,
Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг Қашқадарё минтақавий инспекцияси бошлиғи

Адлия идораларида

Нотариал ҳаракат



Фуқаролар ва юридик шахслар иштирокидаги мулкий муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонуни алоҳида ўрин эгаллайди. Шунга асосан конунчилик нотариал фаолиятни демократлаштириш йўналишида ривожланмоқда.

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида нотариуслар қандай нотариал ҳаракатларни амалга ошириши кўрсатиб берилган. Унга кўра, нотариатнинг фаолияти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бундай нотариал ҳаракатларга шубҳа туғдирмайдиган ҳуқуқ ва фактларни тасдиқлаш, ҳужжатларни шаҳодатлаш, фуқаролик ҳуқуқларини келгусида бузилиш эҳтимолидан сақлаш мақсадида юридик жиҳатдан тасдиқлаш киради.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг бир маромда кечиши, битимларнинг ҳуқуқий жиҳатдан бенуқсон тузилиши ва амалдаги қонунларга мос бўлиши нотариал органлар ишининг сифатига боғлиқ.

Фуқаролик ҳуқуқига доир низоларни ҳал этиш судга хос бўлса, нотариал фаолиятнинг предмети шубҳа туғдирмайдиган ишлардир. Худди шу нарса нотариуслар ўз ваколатига тегишли масалаларни махсус усул билан ҳал этишини белгилаб беради. Битимларни тасдиқлашда, ҳужжатлар нусхалари тўғрилигини шаҳодатлашда, қарздорнинг шубҳа туғдирмайдиган мажбурияти мажбурий ижро этилишини таъминлашда нотариуслар процесснинг тортишув шаклидан ва ошкоралик тамойилидан фойдаланмайди, балки нотариал ҳаракатларни якка ўзи амалга оширади, қоида тарзида юридик фактларни ёзма далилларга асосланган ҳолда аниқлайди. Бундан ташқари, амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар ҳақидаги маълумотларнинг барчаси нотариал сир сифатида ҳимояга олинади.

З.КАРИМОВА,
Қўқон шаҳар 1-давлат нотариал идораси катта нотариуси

Ёз неъматлари

Дастурхонимизнинг кўрки бўлган бу полиз экинлари, айниқса, ёзнинг иссиқ палласида севиб истеъмол қилинади. Уларнинг таркиби 90 фоиз сувдан иборат бўлиб, енгил сабзавот маҳсулоти сифатида инсон организмига самарали таъсир кўрсатади. Лекин таркибида қанд моддаси кўплиги сабабли қандли диабет хасталиги билан оғриган беморларга бу полиз экинларини истеъмол қилиш тавсия этилмайди.



Тарвуз, қовун...

улар СЭС назоратидан ўтганми?

Тарвуз, қовунларнинг эртапишар ва кеч пишадиган навлари мавжуд бўлиб, уларнинг инсон организмига таъсири ҳам турличадир. Кўриниши чиройли, лекин пишмаган тарвузларни истеъмол қилиш ғоят хатарли бўлиб, ҳатто киши заҳарланиши мумкин. Бундай нохушликларнинг олдини олиш мақсадида юртимизда санэпидстанция ходимлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар бозорга келтирилган тарвуз, қовунларни назоратдан ўтказиб, сўнг сотишга рухсат берадилар.

Афсуски, йўл четида тарвуз, қовунлар билан савдо қилинаётган жойларда тўхтаб, улардан сифат сертификати борйўқлиги ҳақида сўраганимизда, кўпчиликда бундай ҳужжат йўқлиги маълум бўлди.

ЗАҲАРЛАНИШДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Айнан шунинг учун ҳам пишиқчилик палласида заҳарланиш тез-тез қайд этилади. Яқинда қўшним бозорга тушиб, «арзон»гина экан, деб бир томони пачоқ бўлган беш-олти дона тарвузни харид қилибди. Кечқурун овқатдан сўнг улар масза қилиб истеъмол қилган тарвуз эрталаб ўз кучини кўрсатибди — тана ҳароратининг кўтарилиши, қусиш, ичкетиш...

Бинобарин, ҳар бир тарвуз, қовун таркибида санитар меъёрларида минерал ўғитлар бўлиши керак. Меъёр бузилган ҳолларда улар инсонга салбий таъсир кўрсатиб, ўткир ичак хасталиклари (гастрит, гастроэнтерит)ни келтириб чиқаради. Бунда беморнинг қорни, боши қаттиқ оғрийди, кўнгил айниши, қусиш юз беради. Бу ҳолатга бефарқлик, масъулиятсизлик билан қараш ярамайди, чунки унинг кечиши чўзилиб кетиб, хасталик сурункали тус олиши мумкин.

Шунинг учун қовун, тарвуз танлашда янглишманг. СЭС назоратидан ўтганлигига ишонч ҳосил қилибгина харидор бўлинг.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ishonch
2010-yil 6-iyul № 80 (2805)

Ўзбекистон темир йўллари мустақиллик йилларида









Ҳисобот даври яқинлашгани сайин ўзимга ўзим: белгиланган ишлар бажарилдими? — деган саволни тез-тез бериб турдим. Албатта, Қўнғирот минтақавий темир йўл узели меҳнаткашларига ўтган йиллар давомида яхшигина хизмат кўрсатилди.

Ижро назорати

Тармоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатишга бағишланган 37 та масалани раёсат мажлисида кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилдик ва уларнинг ижроси қатъий назоратга олинди. Ҳудудий қўмита асосий эътиборни ишчи-хизматчиларнинг маошларини ўз вақтида ва меҳнатларига яраша олишларига қаратди. Масалан, тармоқда ўртача ойлик иш ҳақи 2005 йилда 136 минг 211 сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 5 ойи давомида бу кўрсаткич 444 минг 099 сўмга етди.

Шунингдек, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масаласи ҳам доимий диққат эътиборимизда бўлди. Ишчи-хизматчиларнинг 101 нафари санаторийларда, 23 нафари дам олиш уйларида, 1041 нафари эса санаторий-профилактарийларда саломатликларини тиклашди. Ҳисобот даврида 1165 нафар темирйўлчи ҳамда уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилди. 2317 нафар фарзандларимиз эса болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришди.

Лекин ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам анчагина. Бу меҳнат муҳофазаси ва ишчи-хизматчиларимизга кўнгилдагидек иш шароити яратиш масаласидир. Ҳисобот даврида минтақавий темир йўл узелида 7 та бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Шундан 4 тасида инсон ҳаётдан кўз юмди. Шунинг ўзиёқ ҳали бу борада анча изланишимиз лозимлигини кўрсатиб турибди.

Ходимларни махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш 78 фоизга бажарилди. Лекин шундай бўлса-да биз юқори ташкилотлар ёрдамида учраётган муаммоларни ҳал этиш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Коблан РАБАЕВ,
Қўнғирот минтақавий темир йўл узели касаба уюшма ҳудудий қўмитаси раиси

Ифтихор туйғулари

муваффақият бўлган жойда туғилади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, ҳисобот даврида темирйўл транспортини ривожлантириш учун катта хажмдаги маблағ сарфланиб, мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. «Тошгузор-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли фойдаланишга топширилди, йўловчиларни ташишнинг замон талабларидан келиб чиқиб, Тошкент-Қарши шаҳарлараро тезюрар «Насаф» поезди қатнови йўлга қўйилди, Тошкенг — Самарқанд шаҳарлараро ўта тезюрар поезд қатнови билан боғлиқ ишлар бошлаб юборилди. Булар аваламбор тараққиёт ва аҳолига қулайлик яратишга хизмат қилади. Қолаверса, бозор иқтисодиёти учун хос бўлган жиҳат — бандлик муаммосини ечишга кўмаклашади. Компания корхоналарида биргина 2009 йилда 3548 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Албатта, ютуқлар ўз-ўзидан келмайди. Бунинг учун изланиш, керак бўлса ҳаловатдан кечиб, ўзига кўз тикиб турганларнинг дарди билан яшай билиш даркор.

— Касаба уюшма етакчиси одамлар талаб-эҳтиёжларини, орзу-умидларини, қувонч-ташвишларини, шунингдек, мамлакат, минтақа, тармоқ, муайян бир корхонанинг ишлаб чиқариш, меҳнат ижтимоий муаммоларини олдиндан кўра билиши керак, — деди маърузачи. Фаоллар ва ўзининг ижтимоий шерикларини нималар қизиқтиришини, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва хоҳиш-истакларини ҳам билиши шарт. Шунингдек, у нафақат касаба уюшмаси аъзоларини, балки иш берувчиларни ҳам қизиқтира олиши ва албатта, маънавий руҳлантиришга қодир бўлиши лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳисобот даврида касаба уюшма фаолларини тарбиялаш, уларни ўқитиш, мавжуд тажрибалардан баҳраманд этиш масалалари доимо диққат-эътиборда бўлиб келди. Марказий кенгаш, ЎзКУФК Ўқув маркази ҳамда Тошкент темирйўл муҳандислари институтида ташкил этилган курсларда 240 нафардан ортиқ касаба уюшма фаоллари билим савияларини оширдилар.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва касб манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш, лозим бўлган тақдирда ҳуқуқий ёрдам бериш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилганлиги ҳам эътироф этилди. Хусусан, ҳисобот даврида ўрганилган 25 та корхонанинг айримларида ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш, ишга қабул қилиш, меҳнат таътилидан чақириб олиш, интизомий чоралар қўллаш, иш вақтидан ташқари вақтлардаги ишлар учун иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни беришда хатоликлар аниқланиб, йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Таҳлиллардан шу нарса аён бўлмоқдаки, меҳнат низолари, ишловчилар меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг асосий сабабларидан бири, бу корхоналарнинг мутасадди ходимларигина эмас, балки айрим касаба уюшма қўмиталари етакчиларининг ҳуқуқий билими етарли даражада эмаслигидадир. Бундай ҳол нафақат бошланғич ва бирлашган касаба уюшма қўмиталари учун, балки ҳудудий қўмиталар учун ҳам хос эканлиги кишини ташвишлантиради.

Маърузада меҳнат муҳофазаси масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ушбу масала меҳнат унумдорлиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, бунга ишлаб чиқаришда шикастланишлар ва касб касалликларининг олдини олибгина эришиш мумкин. Меҳнат унумдорлиги эса, бу мустаҳкам ижтимоий ҳимоя деганидир. Қаердаки, ишда узилишлар бўлмаса, соғлом муҳит ҳукм сурса, иш бароридан келади, даромад ортади, бу демакки, буромад ҳам шунга яраша бўлади.

Энди бир тасаввур қилинг-а, бугунги кунда темирйўлчилар ихтиёрида олтита кутубхона мавжуд бўлиб, улар салкам 100 минг дона китоб бойлигига эга. Мустақиллик йилларида нашр этилган китобларни бугун тўла ҳолда шу ердан топишингиз мумкин. Бу ишлар учун касаба уюшма ташкилотлари томонидан 12,1 миллион сўм ажратилди. Кутубхоналарнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш учун компания томонидан 28,4 миллион сўм сарфланди. Ушбу саъй-ҳаракатларни ЎзКУФК ижобий баҳолаб, хусусан Тошкент темирйўлчилар маданият саройи қошида фаолият кўрсатаётган касаба уюшмасига қарашли Марказий кутубхонада тўпланган тажрибаларни республика тизимидаги зиё масканларига ўрганиш учун тавсия қилганлиги, албатта, қувонарли ҳолдир.

Мустақиллик йилларида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси томонидан дунёнинг қатор темирйўл компаниялари, корпорация ва ташкилотлар билан ўзаро тенг ва ишончли ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, транспорт-иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши, темир йўл транспорти бўйича фаолият тамойилларининг қарор топиши, юк ва йўловчи ташиш юзасидан амалга оширилган кенг кўламли ишлар ўз навбатида компания нуфузини кўтариб, улар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. 75 километрлик «Хайратон — Мозори Шариф» темирйўл қурилиши бўйича ўтказилган тендерда компания ғолиб чиққанлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Қолаверса, мазкур йўналиш келажакда қўшни мамлакатнинг Ўзбекистон темир йўллари орқали Европа ва Осиё давлатлари билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ривожлантиришга муҳим замин ҳозирлайди.

Мамлакат тараққиётида қулай географик жойлашув, бой минерал хом ашё базаси катта аҳамиятга эга, албатта. Аммо энг муҳим жиҳат, бу мамлакатда юзага келган сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, барча турдаги инфратузилмаларни жадал ривожлантириш, юқори малакали ишчи кучининг мавжудлигидир. Айнан шулар давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган, жаҳонда тараққиётнинг «Ўзбек модели» деб кенг эътироф этилган ислоҳотларнинг изчил ва босқичма-босқич амалга оширилишини таъминламоқда. Бунда касаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётганлиги кўнгилда ифтихор туйғуларини уйғотади.

З.РИХСИЕВ

Қурултой ишини кузатар-канман, қалбим фахр-ифтихор туйғуларига тўлди. Мустақиллик ҳар биримизга ташаббус кўрсатиб ишлаш имкониятини берганини ич-ичдан ҳис этдим. Шахсан ўзим темир йўлда 1941 йилдан меҳнат фаолиятини бошладим. Узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишладим. 1970 йилдан то 1983 йилгача Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгашига раҳбарлик қилдим.

Ёшларга ҳавасим келади

Ўша пайтлар ҳамон ёдимда. Ўзимиз хоҳлагандай иш қилолмасдик. Фақат тепадан келган буйруқни бажарардик. Имкониятлар эса чекланган эди.

Эндиликда ҳар бир касаба уюшма аъзоси ўз фикр-мулоҳазасини очиқ-ойдин айтиш имконига эга. Ишлаш учун барча шароит етарли. Мана шундай вақтда ишлаётган ёшларга ҳавасим келади. Бундан ташқари, жойларда маъмурият касаба уюшма ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Бугунги Қурултойда сўзга чиққан Тошкент минтақавий темир йўл узели бошлиғи Мансур Ражабовнинг сўзларини тинглаб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Делегатларга назар солиб, кўнглим тоғдек юксалди. Кўпчилиги ёш, кўзлари чақнаб турибди. Демак, касаба уюшма ташкилотлари ишончли қўлларда.

Сулаймон КОМИЛОВ,
касаба уюшма фахрийси,
«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган темирйўлчи»

Тараққиёт калити

Ўзбекистон темир йўлларининг тарихи 1874 йилдан бошланади. Биринчи поезд 1888 йилда Амударё узра қурилган ёғоч кўприк орқали ўтиб, Самарқандга етиб келган. Ўтган йиллар мобайнида темир йўл мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Айниқса, мустақиллик йилларида юқори суръатларда ривожланди. Ягона миллий темирйўл тизимини барпо этиш дастури доирасида мамлакатимизнинг шимолий ҳудудини боғловчи «Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус» ҳамда жанубий ҳудудни боғловчи «Тошгузор-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўллари, шунингдек, Амударё узра узунлиги 681 метрга тенг кўшма кўприк барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясида юк ва йўловчи вагонларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ўз мухбиримиз

Малакали мутахассислар — компания таянчи

Республикамиз Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган дастурлар кўпроқ инсон омилига, энг аввало, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, раҳбарлар, мутахассис ва оммавий касб эгаларининг малакасини оширишни яхшилашга қаратилган.

«Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши мазкур йўналишдаги ишларни тўлақонли амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Компаниянинг ўз маблағи ва тармоқ корхоналарининг кучи билан ўтган йили 1200 ўқувчига мўлжалланган Тошкент темирйўл касб-ҳунар коллежи, 360 ўқувчига мўлжалланган Нукус темирйўл касб-ҳунар коллежи фаолиятини бошлади.

Асосий йўналишлар бўйича темирйўл учун мутахассис кадрлар Тошкент темирйўл муҳандислари институтида ва темирйўл касб-ҳунар коллежларида тайёрланмоқда. Компания тасарруфидаги ўқув юртларида 8243 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Институт қошидаги академик лицейда 664 нафар ўқувчи илм сирларидан воқиф бўлаяпти.

Охирги 5 йил мобайнида компания ўқув муассасаларини 2562 нафар бакалавр, 321 нафар магистр, 2885 нафар ўқувчи битириб чиқди. Уларнинг 80 фоизидан зиёди компания тизимидаги корхона ҳамда ташкилотларда фаолият кўрсатмоқда.

Наргиза ЖЎРАБЕКОВА

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши компания раҳбарияти билан ҳамкорликда меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Компания Ўзининг соғлиқни сақлаш тизимига эга.

Юқори даражали тиббий хизмат

Шу жумладан, Тошкентда марказий клиник шифохона, марказий поликлиника, болалар шифохонаси, «Саломатлик» тиббий санитария ёрдами поезди, темирйўл қон қуйиш станцияси фаолият кўрсатмоқда. Ховос, Қўқон, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Урганч ҳамда Хўжайли станцияларида бирлашган шифохона ходимлари тармоқ меҳнаткашларига малакали хизмат кўрсатаяпти. Ҳар бир шифохонанинг ўз стационар ҳамда поликлиника бўлимлари мавжуд. Болалар тиббиёт муассасалари ҳам йилига ўрта ҳисобда 95 минг нафар болаларга юқори малакали хизмат кўрсатиб келаяпти.

Тармоқдаги мавжуд барча шифохоналарда 633 нафар олий маълумотли ва 1576 нафар ўрта тиббиёт ходимлари йилига 39 мингдан зиёд темирйўлчиларнинг саломатлигини муҳофаза этаяпти.

Шерзод АБДУСАМАДОВ

«Болалар ёзи — 2010»

«Қибрай»да ҳам мавсум бошланди

Ёзнинг жазирамасида сўлим гўшаларда, соя-салкин масканларда дам олишнинг завқи ўзгача. Айниқса, мактаб ўқувчилари учун ёзги таътилни оромгоҳларда ўтказиш мароқлидир.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тасарруфида 6 та оромгоҳ мавжуд бўлиб, улар орасида «Қибрай» оромгоҳи вилоятдагина эмас, балки республикадаги энг хушманзара ва барча шароитларга эга сўлим гўшалардан бири.

Мазкур оромгоҳ биринчилардан бўлиб болаларнинг дастлабки гуруҳларини ўз бағрига олди. Тошкент шаҳри ва вилояти, Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятидан келган соҳа меҳнаткашларининг 500 нафарга яқин фарзандлари Тошкент вокзалида кутиб олиниб, тиббий кўрикдан ўтказилди ва махсус автобусларда оромгоҳ сари йўл олишди.

Жорий ёз мавсумида компания корхоналари тасарруфидаги 6750 нафар темирйўлчилар фарзандларини соғломлаштириш кўзда тутилган бўлса, улардан 1600 нафари «Қибрай» оромгоҳида мавсумни ўтказишади. Бу ерда уч босқичнинг ҳар бир навбатида 600 нафардан зиёд болаларни қабул қилиш имконияти яратилган. Болалар нафақат мароқли дам олишади, балки маънавий ва маърифий тафаккурларини ҳам ошириб боришади.

— Саккиз гектар ҳудудга эга оромгоҳни мавсумга тайёрлаш учун бу ерда катта қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди, — дейди Тошкент минтақавий темир йўл узели касаба уюшмаси ҳудудий қўмита раиси Содиқжон Турдиқулов. — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тасарруфидаги оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш мақсадида компания томонидан 489 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, уларнинг 230 миллион сўми «Қибрай» оромгоҳини таъмирлашга сарф қилинди. Болалар соғлиғини тиклаш ва мазмунли дам олишлари учун бу ерда барча шароитлар яратилган. Кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари ҳамда турли аттракцион ўйинлари майдонлари дам олувчилар ихтиёрида. Тиббий ёрдам кўрсатиш хонасида малакали босқич дам олувчилари 22 гуруҳга бўлиниб, ёзги таътилни мазмунли ўтказишмоқда. Уларга кун мобайнида тўрт маҳалдан иссиқ овқат берилаяпти. Бу ерда биринчи босқичда 500 нафарга яқин бола дам олаётган бўлса, иккинчи босқичда 600 нафар, учинчисида эса 500 нафар бола дам олади. Болалар соғлиғини ва мароқли дам олишини таъминлаш учун тиббиёт ходимларидан тортиб ошпазлар,гуруҳ етакчилари ва бошқа соҳа вакилларидан иборат 70 нафардан ортиқ ходим меҳнат қилмоқда.

Рустам ҲАЙДАРОВ

Ishonch
2010-yil 6-iyul № 80 (2805)

Ўзбек фотографиясида миллий руҳ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўзбек фотографияси юртимиз мустақилликка эришгач, янги тараққиёт йўлига қадам ташлади. 2002 йили Бадиий академия негизида Тошкент фотосуратлар уйининг ташкил этилиши, қолаверса, халқаро бадиий фотография ташкилотига аъзо бўлиши халқимиз ҳаётидаги тарихий воқеадир. Шу йиллардан бошлаб ўзбек фотосанъати саҳифаларида мустақиллик ғояларини кенг акс эттириш имконияти пайдо бўлди. Фотографлар Бадиий академия қошидаги ижодкорлар уюшмасига бирлашиб, турли мавзулардаги кўргазмаларини намойиш этишмоқда. Бугунги конференция ҳам ана шундай жараёнларнинг узвий давоми бўлди.

Конференцияда Б.Голендернинг «Композиция асослари», Р.Шариповнинг «Фотосуратга олишнинг замонавий воситалари», В.Жирновнинг «Замонавий фотографиянинг асосий жанрлари», А.Расуловнинг «Ўзбек фотографияси тарихидан», С.Деҳқоновнинг «Ўзбек фотографиясида миллий руҳ», Р.Нормуродовнинг «Портрет», И.Содиқзоданинг «Фотография таълимидаги янгилик», П.Қурбомамадовнинг «Ўзбек фотографиясининг онтологик хусусиятлари» каби маърузалари тингланди.

Ҳозирги ўзбек фотографияси тараққиётини белгилаб беришда миллий руҳ мезонларининг аҳамияти қандай бўлиши керак деган саволга Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фоторассом Султонбой Деҳқонов шундай жавоб берди:

— Ўзбек фотографиясида миллий хусусиятлар абстракт ҳолдаги ҳодиса эмас. Шундан келиб чиқиб, фоторассом тасвирлаётган воқеа-ҳодисалар таассуротига миллий руҳни, анъаналарни сингдириб беролса, унинг асарида ифодаланган миллий туйғулар умумбашарий тус олади. Муаллиф асарида миллийлик қанчалик аниқ ва чуқур акс эттирилса, бадиий жиҳатдан шу қадар эмоционал бўлади. Бугун кўплаб ёшларимиз европача услубда ижод қилмоқда. Тажрибали фотоижодкорларнинг асарларини кўздан кечирадиган бўлсак, уларнинг ижодида миллий руҳнинг кучлилигини кўриш мумкин. Агар ёшларимиз ҳам асарларида ўзбекона руҳни янгича қиёфада етказиб беролса, яхши бўларди.

Назира БОЙМУРОДОВА
Муаллиф олган сурат

«Энг улуғ, энг азиз»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, эълон қилинган материаллар мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётганини, бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний камол топаётганини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

«Энг улуғ, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

— ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
— телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
— тасвирий санъат асарлари;
— кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;
— иш жойидан тавсиянома;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2009 йилнинг 1 августидан 2010 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, эълон қилинган тасвирий санъат ва экранларда намойиш этилган кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 244-12-61; 244-37-87; 244-11-64.

Ҳар касбнинг ўз гашти бор

(Давоми. Боши 1-бетда)

1989 йилдан буён косиблик билан шуғулланаётган Неъмат ака 4 фарзандининг отаси. 12 йилдан бери Тошкент шаҳрида меҳнат қилиб келади. «Меҳнатим орқали икки йилда уй олдим, ишим юришмаяпти деб тушкунликка тушишдан фойда йўқ. Тинимсиз ҳаракат қилавериш керак, ана шунда ўйлаган ниятларингиз албатта амалга ошади», — дейди у ишонч ва ғурур билан.

Музаффар Норматов, косиб:

— Неъмат ака билан Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги Пахтакор қишлоғи Теракқатор маҳалласида яшаймиз. Неъмат ака профессионал косиблардан. Чунки унинг тажрибаси катта, оёқ кийимларни тез таъмирдан чиқаради. Бу борада унга ҳавас қилса арзийди. Ҳозир 22 ёшдаман. Косибчилик билан шуғулланишга уч йил бўлди. Отам Маҳамаджон ака ҳам эски косиблардан. Ҳозир 49 ёшда. 18 ёшдан шу касбга қўл урган. Ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, 31 йилдан бери шу касб орқали ҳалол нон топиб келади. 2 та шогирди, 2 та невара шогирди бор. Биз ёшлар ҳам аста-секин улар каби тажриба орттириб, эл-юртга хизмат қиламиз.

Халқимиз бисотида «Ота касби — олтин касб», «Ота касби ўғилга ҳалол», «Ота ҳунари болага мерос», «Юз ҳунарни чала билгандан бир ҳунарни тўла билган яхши» каби ҳунар билан боғлиқ минглаб мақоллар бор. Уларнинг ҳар бири ҳаёт чиғириқларидан ўтиб бизгача етиб келган. Шу маънода қаҳрамонимизнинг улуғ ниятлари ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтсак: Неъмат ака яқин кунларда шогирдларини ёнига олиб, узоқ вақт хизмат қиладиган, чидамли оёқ кийимлари тикадиган корхонада тендер асосида иш олиб бормоқчи. Бу қутлуғ ният барчани бирдек қувонтириши табиий. Нима бўлганда ҳам, ўзимизники ўзимизникида!

Ўз мухбиримиз

2010 йил — Баркамол авлод йили

Маҳобатли ўйингоҳ қурилишида

Термиз кундан-кун чирой очиб, обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Айни кунларда 5-кичик даҳа ҳудудида барпо этилаётган ўйингоҳда ҳаёт қайнайди. Қурилиш майдонида дастлабки тупроқ ишлари амалга ошириляпти.

Бош пудратчи — Бухоро вилояти «20-трест» масъулияти чекланган жамиятининг 3-КМК бошлиғи Бешим ака Шоимов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мана бу қўли-қўлига тегмаётган 30-нафардан ортиқ ишчилар Бухородан атайин келишган. Улар ўйингоҳ саҳнини текислаш, пойдевор қўйиш, тупроқ ишларини бажаришяпти. 9 та 25 тонналик «МАЗ» русумли машиналар ва бошқа ўнлаб техникалар юқори унум билан ишлаяпти. Мазкур қурилишга яна юзлаб тажрибали муҳандис-техник ходимлар жалб этилган. Ўйингоҳ қурилиши учун 5 минг куб-метр шағал ва яна шунча қум керак бўлади. Навоийдан 5000 тоннага яқин цемент, Бекободдан 1150 тонна турли ҳажмдаги арматура олиб келинади. 11 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланадиган бу улкан қурилиш катта масъулият талаб қилади.

Шу ўринда, ўйингоҳ ёнида барча шарт-шароитга эга иккита ёпиқ спорт саройи ҳам яқин келажакда ёшлар ихтиёрига топширилишини таъкидлаш лозим. Кенг кўламли хайрли ишларда Термиз шаҳри аҳолиси, ТерДУ ва барча касб-ҳунар коллежлари талабалари бунёдкорларга камарбаста бўлиб туришибди. Вилоят, Термиз шаҳри ҳокимлиги ва масъул шахслар, ҳомий ташкилотлар қурувчиларни ётоқ жой, иссиқ овқат, махсус кийим-бош, зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаб, ишнинг бир маромда бориши учун шарт-шароит яратиб бермоқда. «Ўзбекистон темирйўллари» акциядорлик компаниясининг Сурхондарё тармоғи қурилиш юкларини ташиб бериб, иш унумининг самарадорлиги ошишига катта ҳисса қўшаяпти.

«20-трест» масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилиш материаллари таъминоти ҳам яхши йўлга қўйилган.

Ёшлар қалбида катта қувонч ва ҳаяжон уйғотаётган, жаҳон андозаларига жавоб берадиган ўн минг ўринли, югуриш йўлакларини ўз ичига олган муҳташам ўйингоҳ қурилиши кеча-ю кундуз давом эттирилмоқда.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Оҳ, менинг беғубор болалигим,
Шўхлиги беозор болалигим.
Кетмагин, бир умр ёнимда қол,
Ҳар кунинг бетакрор, болалигим.

Инсон қачон бола бўлиб қолгиси келади? Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши табиий. «Жажжи ўғлим билан ўйнаган кезларим, ўзим ўқиган мактабнинг ёнидан ўтганимда, дунёдан ўтиб кетган онажонимни соғинганда болалигимга қайтгим келади», — дейди юртдошларимиздан бири. Чиндан ҳам катталар орасида турли сабабларга

Оҳ, менинг беғубор болалигим!

кўра бир лаҳзага бўлса-да, бола бўлиб қолишни орзу қилмайдиганлар топилмаса керак. Тавба, болалар тезроқ катта бўлишни истайди-ю, катталар бола бўлиб қолсайдим деган орзу билан яшайди.

Турк шоири Нозим Ҳикмат «Дунёнинг бир кунини болаларга берайлик. Зеро, улар бир кунгина бўлса-да дунёни эзгуликларга буркайди» деганди. Ҳар бир бола «катта бўлсам, албатта кучли ва қўрқмас бўламан» деб ният қилади. Лекин инсоннинг энг кучли даври болалик даври ҳисобланса ажабмас. Бундай мулоҳаза юритишимизга сабаб шуки, болалар бу даврда ҳеч нарсадан тап тортмай, ўзларини ўтга ҳам, чўққа ҳам уриб кетаверадилар. Ҳеч қандай ёвуз махлуқ уларни чўчита олмайди. Энг қизиғи, улар олдидан чиқиб қолган заҳарли илон билан ҳам ўртоғидек ўйнаб кетаверишади. Бундай пайтда катталарнинг нима қилиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Халқимиз жуда болажон. У фарзанди тимсолида ёрқин келажакни кўради. Шу сабаб болани «ўнта бўлса, ўрни бошқа» дея ўзгача меҳр билан суяди. Аслида ҳам гўдаклар оилани, ота-онанинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини мустаҳкамловчи, авлодлар бардавомлигини таъминловчи кучдир. Шундай бўлгач, уларни севмай, ардоқламай бўладими?

Ўзбек аёли фарзандини жон қадар суйиб, тарбияламоқда. Бу юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишонч ва умидлари нақадар мустаҳкам эканлигидан дарак беради. Зеро, мамлакатда болаларнинг қийқириқлари янграб тураркан, бу юртнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам албатта нурафшон бўлгусидир.

Ўз мухбиримиз

Футбол

Кутилган ва кутилмаган натижалар

Футбол бўйича Жанубий Африка Республикасида давом этаётган 19-жаҳон чемпионати ҳам якунига етай деб қолди. Имкониятни бой берган терма жамоалар уйлари томон равона бўлишмоқда.

Ўтган ҳафта ярим финал йўлланмалари учун баҳсга киришган Бразилия, Аргентина, Гана ва Парагвай терма жамоалари ҳам мусобақанинг ярим финал ва финал ўйинларини томошабин сифатида кўрадиган бўлишди.

Чорак финал баҳсларида Бразилия терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, мусобақадан чиқариб юборишга эришган «учар голланд»лар биринчилардан бўлиб ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Ярим финалнинг иккинчи йўлланмаси учун кураш Уругвай — Гана терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Учрашувнинг асосий вақти 1:1. Пеналтилар серияси Уругвай фойдасига хизмат қилди.

Мутахассислар томонидан финал олди финал ўйини дея баҳоланган Аргентина ва Германия термалари қарама-қаршилиги кутилганидан кўра ўзгача тус олди. Кўпчилик томонидан кейинги босқичга лойиқ кўрилаётган Диеого Марадона шогирдлари немис машинаси олдида ожиз қолишди. — 0:4. Чорак финалнинг сўнгги баҳси эса Парагвай — Испания термалари ўртасида бўлиб ўтди. Бу ўйинда кўпчилик Испаниянинг қўли баланд келишини башорат қилишганди. Шундай ҳам бўлди. Ҳисоб — 0:1.

Энди ярим финал йўлланмасини қўлга киритган жамоалар 6 ва 7 июл кунлари майдонга тушади. Мухлислар Голландия — Уругвай ҳамда Германия — Испания термаларининг учрашувларига гувоҳ бўлишади.

Нарзулла МАХАМОВ

Саломатлик сабоқлари

Дастарбош кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Мураккаб гуллилар оиласига мансуб. Пояси тик ўсувчи, шохланган, бўйи 150 см.гача борали. Гул тўплами сариқ рангли бўлиб, июндан то сентябргача ифор таратиб туради. Меваси август-сентябр ойларида пишиб етилади. Дастарбошни русчада «Пижма обикновенная», лотинчада «tanacitum vulgarel, дея юритилади. Бу ўсимлик йўл бўйларида, далаларда, тоғ ёнбағирларида, ўтлоқларда бегона ўт сифатида ўсади.

Дастарбош хосияти

Тиббиётда асосан унинг гул тўплами қўлланади. Гуллари таркибида эфир мойлари, туйон, камфора, борнеол, пинен алкалоидлар, ошловчи аччиқ моддалар мавжуд. Шу билан бирга, ўз таркибида органик кислоталар, витамин С, каротинни сақлайди. Шу моддалар туфайли бир талай касалликларни даволашда азалдан қўлланиб келинади. Масалан, юмалоқ гижжаларга қирон келтиришда яхши восита. Бунинг учун 1:10 нисбат-ҳисобида дамлама тайёрланади. Тайёр дамламадан кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ўсимлик уруғидан гижжаларни ҳайдашда ҳуқна қилинади. Бунда 1 чой қошиқ уруғига 150 мл. сув солиб, 3 соат мобайнида дамланади. Сўнгра дока орқали сузилади ва кечаси дамламадан ҳуқна қилинади.

Дастарбош ўсимлиги жигар, ўт(сафро) йўли, меъда-ичак (ошқозон) хасталикларида тавсия этилган. Айниқса, сафро ҳайдашда яхши самара беради. Меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси касаллигида, ингичка ва йўғон ичак яраси (энтероколит) шамоллашида шифо бағишлайди. Дастарбош дамламаси иштаҳа очади, таом ҳазмини яхшилайди.

Халқ табобатида гиёҳ юрак зиққинафасида, асаблар таранглашганида, бош оғриғида малҳам бўла олади. Бод, подагра-бўғин касалликларида, суяк чиққанида, жароҳатларда обзан (ванна) кўринишда тавсия этилади. Микробларга қарши кураш хосияти борлигидан эски яралар ва жароҳатлардан фориғ бўлишда яхши наф келтиради.

Шуниси диққатга сазоворки, дастарбош яллиғланишга қарши ажойиб воситалигидан говмижжани даволашда ҳам қўлланилади. Бунда кунига 4 маҳал сувли дамламаси ичилади. Дамламани тайёрлаш учун 10 гр. гулига 200 мл. сув қуйиб, оловга қўйилади. Қайнагандан сўнг сузиб, таомдан олдин чорак стакандан ичилади.

Дастарбош гуллари, барглари, поялари инсектицид — зараркунандалар кушандаси тариқасида бит ва бошқа ҳашаротларга қарши курашда қўлланилади.

Дастарбош бироз заҳарли ўсимлик ҳисобланади. Шу боис уни ҳомиладор аёллар ва ёш болаларни даволашда тавсия этилмайди. Буни унутманг!

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос

Insonga naf keltirish - oliy baxt
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti
256-87-63
Huquq va xalqaro hayot
256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat
256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport
256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash
256-85-43
Reklama va e`lonlar
256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
T.Shernayev
Navbatchi:
A. Abdullayev
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.10

Буюртма Г — 651

12995 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 345